



Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25th June, 2023

ISSN: 2835-396X

Website: econferenceseries.com

ЁШЛАР ДУНЁҚАРАШИДАГИ САЛБИЙ ЎЗГАРИШНИНГ ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Осиё халқаро университети магистранти

Ш.О. Гулямова

Бухоро давлат педагогика институти доценти,

п.ф.ф.д. (PhD) Ж.Ж. Рамазонов

Аннотация:

Мазкур мақолада талаба-ёшларда ахборот истемоли маданиятининг феномени, ахборот истемоли маданияти мотивацияси шаклланиши, ахборотларни саралаш, қайта ишлаш ва истемол қилишнинг ижтимоий психологик хусусиятлари хусусидаги назарий ҳамда амалий масалалари ёритилган.

Калит сўзлар: ахборот, ахборот алмашинуви маданияти, ахборот истемоли, ижтимоий тармоқлар, ахборотлашган жамият, ахборот маданияти, ахборот саводхонлиги, мулоқот, коммуникация, оммавий коммуникация.

Глобаллашув жараёни бугунги кунга келиб, мамлакатларнинг иқтисодиёт ва молиявий ҳаёт доирасидан чиқиб ижтимоий, сиёсий ва маънавий ҳаётларини ҳам қамраб олишга эришди. Натижада, фан, техника ва технология соҳасида қўлга киритилган ютуқлар – компьютер, интернет, телевидения ва бошқа воситалар бутун дунё ҳалқларининг мулкига айланди. Дунёнинг глобаллашуви бир томондан умумий тараққиётга хизмат қилган бўлса, иккинчи томондан, миллий ўзига хосликнинг барбод бўлишига, мамлакатлар маънавий ҳаётини бир қолипга солишга, дунёдаги барча миллатлар учун ягона “оммавий” маънавиятни шакллантиришга кучли таъсир ўтказа бошлади.

“Оммавий маданият”ни – умуминсоний маънавиятга ҳеч қачон тенглаштириб бўлмайди. Умуминсоний маънавият дунёда яшаётган турли миллат ва элатлар маънавиятларининг энг илғор, барча миллатлар учун хизмат қила оладиган қирралари ва жозибаларини ўзида ифода эттирадиган маданиятдир. Бу жараённинг табиий ривожланиши оқибатида инсоният ўз тарихий тараққиётининг ҳар бир босқичида янги тамаддунни вужудга келтиради.

Умуминсоний маънавият турли-туман миллатларнинг ўзига хос бошқа миллатлар учун ҳам маънавий озуқа бера оладиган қирраларини ўзида



Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25th June, 2023

ISSN: 2835-396X

Website: econferenceseries.com

мужассамлаштиргани боис табиий равища кенг ёйилиб боради ҳамда жаҳонда яшайтган турли миллатлар маънавиятининг ривожланишига ёрдам беради. “Оммавий маданият” умуминсоний маънавиятдан тубдан фарқ қилиб, унинг заминида иқтисодий, сиёсий, ҳарбий қудратга эга бўлган, ўз таъсирини жаҳонга ўtkазишга қурби етадиган миллат ва халқларнинг маънавияти туради. Унинг таъсири ҳеч қачон табиий кечмайди, балки олдиндан ўйланган аниқ мақсад ва манфаатларни кўзлаб олиб бориладиган фаолият натижасида юзага келади. “Оммавий маданият” ана шундай кучли зўравон давлатларнинг ўтказадиган таъсири, тазъиики, энг хавотирли томони маънавий зўравонлиги натижасида юзага келади. Олим Тошбаевнинг фикрича, “Оммавий маданият” туб моҳиятига кўра, миллий маданиятларнинг кушандаси бўлиб, у маданий хилма-хилликни хушламайди, унинг асл мақсади – бу оламни бир рангда кўришдан иборатdir.

“Оммавий маданият”нинг кенг қулоч ёзиб, гуркираб бораётганини сири шундаки, “оммавий маданият” “намоёнда”ларининг амаллари ўзлари учун ҳар томонлама манфаатдорликка асосланган: улар “ноёб санъат намуналари” – ғояларини нафақат тарғиб қиласди, балки пуллайди ҳам.

Оммавий ахборот воситалари, нашриётлар, мусиқий асарлар, тасвирий санъат, киноматография “оммавий маданият”нинг “локомотив”лари ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб жамиятимиз ҳаётига теранроқ назар солсак, аён бўладики, интернет тармоғи, хорижий телеканаллар, уяли алоқа тизими ва бошқа воситалар орқали тарқатилаётган турли ғайримиллий ғоя ва карашлар ёшлар онгига салбий таъсир кўрсатяпти.

Агар глобаллашувнинг миллатимиз маънавиятига таъсирини кўз олдимизга келтирадиган бўлсак, онгимиз, қалбимиз, ахлоқимиз, қадриятларимизда бутун жаҳонни “забт” этишга ҳаракат қилаётган “Оммавий маданият”нинг таъсирини кўришимиз мумкин бўлади. Жумладан, миллатимиз ҳаётида асрлар оша қон-қонимизга сингиб кетган ота-онамизни улуғлаш “хиралашади”, оила муқаддаслиги, фарзанднинг ота-она олдидаги бурчи, оилавий муносабатлардаги қадриятларга қатъий амал қилиш, оила аъзолари, эр-хотин, келин-қайнона, келин-қайнота, қудалар ўртасидаги ўзаро самимият, хурмат, меҳр-оқибат, иффат, ор-номус, ҳаё, устоз-шогирд каби миллий қадриятларимизга муайян даражада путур етаётганлигини гувоҳи бўламиз.



Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25th June, 2023

ISSN: 2835-396X

Website: econferenceseries.com

“Глобаллашувнинг авж олиши турли йўл ва воситалар билан миллий ўзига хослик ва тарбиянинг таъсирчанлигига сезиларли заар келтирмоқда, унинг “ичидан” ва “ташқарисидан” емирилишини тезлаштиришга хизмат қилмоқда”. Бугунги глобаллашув шароитида турли шаклдаги, хусусан, “оммавий маданият” кўринишидаги мафкуравий хуружларга қарши курашиш мустақилликни асраб-авайлаш, жамиятдаги барқарорликни сақлашнинг муҳим воситасидир. Маданият ва маънавият, аввало, инсоннинг бутун инсоният, халқ, қолаверса, ўзи олдидаги масъулиятдир.

Жўрабой Тошқуловнинг таъкидлашича, ҳозирги кунда инсониятни ларзага solaётган таҳдидларнинг энг даҳшатлиси терроризм эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Терроризм кишилик жамиятининг бугунги куни ва келажаги учун ашаддий душман, умуминсоний, маданий, маънавий, миллий, диний қадриятлар, демократик ижтимоий-сиёсий институтлар, инсон ҳукуқлари ва эркинликлари, давлатлар ва миллатлараро муносабатлар, динлараро бағрикенгликка тажоввуз этувчи куч сифатида ўзини намоён этмоқда.

Дунё халқлари амалиётида ана шундай диний экстремистик оқимлар, терроризм, “оммавий маданият” ва бошқа бир қатор ташқи ва ички таҳдидларнинг борлиги, уларнинг жиной қилмишларининг ҳаётийлиги, амалийлиги, ўзларининг ғоялари учун иқисодий, сиёсий, маънавий қўпорувчиликни амалга ошириши ёшларни қалби ва онгига кириб, уларни бошқариши албатта ёшлар дунёқарашига қатор салбий ўзгаришларни юзага келиши ва амал қилишига олиб келади.

С. Файзиев таъкидлаганидек, инсоният учун вабога айланган халқаро терроризм ва диний экстремизмнинг ижтимоий-фалсафий асосларини, сиёсий йўналишларини, психологик моҳиятини тадқиқ этиб, жамиятдаги миллий ғоявий ва мафкуравий ўзгаришлар асосини ўрганиш, ёшларни комил инсон қилиб тарбиялашдек, устувор вазифаларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Олижаноб фазилатлар, иймон-эътиқод, инсонпарварлик ўз-ўзидан шаклланиб қолмайди, балки таълим-тарбия ва тарғибот-ташвиқот йўли билан шахс онгига сингдириб борилади.

Б. Тўраевнинг фирича, биз ўзимизнинг ахборот фазоимизни турли хил ички ва ташқи маънавий-мафкуравий таҳдидлардан асрашимиз лозим. Бунинг учун ёшларимиз онгига ўз она тилида миллий-мафкуравий иммунитетнинг шаклланишига шароит яратишимиш из ва уларда миллий-маънавий қадриятларга



Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25th June, 2023

ISSN: 2835-396X

Website: econferenceseries.com

садоқат рухини тарбиялашимиз, билим доираси ва дунёқарашини кенгайтиришимиз зарур бўлади. Бу ёшларнинг маънавий тарбияси ва унинг камолотига тааллукли масаладир.

Ахборот глобаллашуви жараёнига фалсафий ва ижтимоий-психологик жиҳатдан ёндошиб, унинг моҳиятини ижобий томонлари – унинг ўзаро очиқлик асосига қурилганлигидир, барча давлатлар ва жамиятлар яқинлашувида, бир-бирининг ютуқларидан умумий фойдаланишга имконият яратишида ўз аксини топса, унинг замиридаги салбий томонлар – дунё миқёсида етакчилик мавқеини эгаллаб турган айрим давлатлар томонидан халқлар ўртасидаги ўзаро ишончни сустеъмол қилиш, бошқалар ҳисобига ўз мавқеи ва имкониятларини кучайтириш, ўз қудрати, иқтисодий имкониятларини янада ошириш учун янги ташқи бозорлар ва хом-ашё манбаларини кенгайтиришга интилиш ётади.

Ахборот ўзини-ўзи ташкиллаштириш тизимларининг муҳим таркибий қисмидир. Сезги, идрок, хотира, тафаккур асосидаги фаолият дастури, ўзини-ўзи ташкиллаштириш жараёни, мулоқот ва бошқа мураккаб биоижтимоий ҳодисалар ахборотсиз амалга ошмайди. Ахборот билимнинг заминидир. Билим ахборот эмас, у тушунча, тасаввур ва ғоялар мажмуасидир. Алоқа каналида ёки мулоқот жараёнида билим ахборот мазмунига айланади. Билимнинг маъноси ахборот сигналларининг кетма-кетлигига, тартиблашганлигидан намоён бўлади. Билимни эгаллаш воқеликни субъектив ўзлаштириш билан боғлиқ. Билим субъект томонидан, ўз навбатида шахснинг мулоҳазаси асосида шакллантирилади. Билим тушуниш жараёни бўлиб, инсоннинг онглилик даражасини ҳам белгилайди.

Ахборот глобаллашуви жараёнида талabalар дунёқарашида юзага келаётган салбий ўзгаришларга замин яратувчи шарт-шароитларни аниқлаш билан бир қаторда ота-она, мураббий-ўқитувчи, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маҳалла маслаҳатчилари, профилактика инспекторлари, имом-хатиблар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг тегишли ходимлари билан ёшларда илмий дунёқараашни тарбиялаш учун улар онги ва маънавиятида миллий-мафкуравий иммунитетни шаклланишига шароит яратишимиз, миллий қадриятларга садоқат рухини тарбиялашимиз, илмий билим доирасини ҳамда илмий дунёқарашини шакллантиришимиз зарур.



Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25th June, 2023

ISSN: 2835-396X

Website: econferenceseries.com

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар Стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони. – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.
2. Информационно-психологическая и психотранная война. Хрестоматия под.ред. Е. А. Тараса Минск “Харвест” 2003. –С.432. Арзиев Ф. АҚШ сиёсати ва “ақлий марказ”лар. “Тафаккур”, 2009 йил 1-сон. –Б. 113-114.
3. Якубов Б. Глобаллашув: давр муаммолари. “Жамият ва бошқарув” 2007 йил 4-сон. –Б.14-16.
4. Qahhorova, G., & Ramazonov, J. (2023). AXBOROTLARNING TALABA YOSHLAR RUHIYATGA SALBIY TA'SIRINING IJTIMOIY-PSIXOLOGIK XUSUSIYATLARI. Бюллетень педагогов нового Узбекистана, 1(4 Part 2), 23-25.
5. Ramazonov, J. J. (2021). The role of self-governance in providing personal perfection. Scientific progress, 2(2), 1075-1078.